

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST ЎТМИШГА НАЗАР

ҚЎҚОН ХОНЛИГИ СОЛИҚ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН

Хатамова Зумрадхон Назиржоновна,
Фарғона политехника институти
“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ўқитувчиси

For citation: Zumradxon N. Xatamova. The tax system history of khanate of Kokand. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 75-86.

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2019-13-09>

Келиб тушган сана 5 август, 2019
Эълон қилинган сана 5 октябрь, 2019

АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлиги тарихига оид тадқиқотларда солиқ тизимининг ўрганилганлик даражаси, солиқ йиғиш тартиби, солиқ турлари ҳақида маълумот берилган. Маъмурий бошқарув тартиблариги кўра солиқ йиғишга масъул бўлган мансабдорлар ва уларнинг фаолиятлари ҳақида, хусусан саркор, ариқ оқсоқоли, мироб, амин ва оқсоқолларнинг солиқ йиғиш ишларида фаол бўлганликлари ҳақида сўз кетган. Солиқ турларидан хирож, закот, танобона, савдодан олинган солиқлар, ижарага берилган ерлардан олинган даромадлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Панджяк, ках-пули, хон солиқ, харбуза пули каби йиғимларга ҳам тўхталиб уларни қай тартибда йиғилиши ва қайси солиқ турига мансублиги таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.

Калит сўзлар: Қўқон хонлиги, солиқ, маъмурий, саркор, хирож, закот, танобона, ках-пули.

ИЗ ИСТОРИЯ НАЛОГОВОЙ СИСТЕМЫ КОКАНДСКОГО ХАНСТВА

Хатамова Зумрадхон Назирджановна,
Преподаватель кафедры «История Узбекистана»
Ферганского политехнического института

АННОТАЦИЯ

В статье дается обзор изучения налоговой системы Кокандского ханства, степени налогообложения, порядка сбора налогов и видов налогов. Было упомянуто, что должностные лица, ответственные за сбор налогов и их деятельность в административном порядке, в частности, саркор, арик-аксакал, мираб, аминь и старейшины, активно участвовали в сборе налогов. Также предоставляет информацию о налогах- закята, хираж, танобона, налогах с продаж и доходах от арендованной земли. Были также предприняты попытки проанализировать сборы- ках пули, хон-солиги харбуза пули.

Ключевые слова: Кокандское ханство, налоговый, административный, бармен, харадж, закят, танобан, ках-пули.

THE TAX SYSTEM HISTORY OF KHANATE OF KOKAND

Zumradxon N.Xatamova,
Lecturer at the Department of History of Uzbekistan
Ferghana Polytechnic Institute

ANNOTATION

The article provides an overview of the study of the tax system of the Kokand khanate, the extent of taxation, the procedure for tax collection, and the types of taxes. It was mentioned that the officials responsible for the collection of taxes and their activities under the administrative procedure, in particular, the sarkor, ariq-oqsoqoli, mirobh, amin, and the oqsoqol- elders were active in tax collection. It also provides information on taxes, khiroj, zakat, sales taxes, kakh-puli.

Key words: Kokand khanate, tax, administrative, sarkor, khiraj, zakat, tanobana, kakh-puli.

Барчамизга маълумки, ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакроп тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих, бу маданиятнинг ҳақиқий

ижодкори, яратувчиси эса ҳақи равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади-деб таъкидлаган мамлакатимиз президенти Ш.М.Мирзиёев[1,С.5]. Давлатимиз том маънода мустақил бўлганидан кейин халқимиз ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий ҳаётида тубдан ўзгаришлар бўлди. Бу ўзгаришларни солиқ тизимини ислоҳ қилинишида ҳам кўришимиз мумкин. Инновацион ривожланишлар сари бораётган юртимизнинг солиқ соҳасидаги тарихига ҳам қизиқишлар ортиб бораётганлиги илмий тадқиқотлар оламида яна бир янги саҳифа очилишига туртки бўлди.

Қўқон хонлиги 1709 йил Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиққан ва расман Олимхон даврида мустақил хонлик сифатида эълон қилинган. Ўзбек хонликларининг ичида энг ёш ва навқирон бўлган Қўқон хонлиги давлат бошқарувининг барча соҳаларида солиқ сиёсати етакчи ҳисобланган. Давлат иқтисодий ҳаёти, мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳаёти албатта мамлакатдаги солиқ сиёсати билан чамбарчас боғлиқдир.

Қўқон хонлигидаги (1709-1876) солиқлар ва солиқ тизими юзасидан алоҳида тадқиқот ишлари олиб борилмаган. А.Жувонмардиевнинг “XVI - XIX асрларда Фарғонада ер - сув масалаларига доир” асарида, Р. Набиевнинг “Из истории Кокандского ханства” асарида, Ҳ.Бобобековнинг “Қўқон хонлиги тарихи” асарида, Ш.Махмудовнинг “Қўқон хонлиги маъмурий бошқаруви” номли илмий тадқиқотида хонликнинг солиқ тизимига оид баъзи маълумотлар берилган. “Тарихи Шохрухий” асарида ҳам солиқларга оид маълумотлар учрайди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архиви фондида Қўқон хонли солиқ тизимига оид қўлёзма ҳужжатлар сақланади, рус шарқшунос олимаси А.Л.Троицкая томонидан ҳужжатлар каталоги тузилган.

Қўқон хонлигида аҳолидан йиғилган солиқ турларини расмий ва махсус солиқ турларига ажратиш мумкин. Хирож, закот, савдодан олинadиган солиқ, хайвонлар ҳисобидан олинadиган солиқ, тарози солиғи, дарёни кесиб ўтганлик учун солиқ, туз солиғи, ушр солиғи сингари расмий солиқлар турлари бўлган. Танобона, тўй-марака маросимларидан йиғилadиган солиқ, мерос бўлишдан йиғилadиган солиқлар махсус солиқлар турига киради.

А. Жувонмардиев ўрганган “XVI - XIX асрларда Фарғонада ер - сув масалаларига доир” ҳужжатларда Қўқон хонлигида солиқ ва жарималарга оид атамалар келтирилган[2]. Рус тадқиқотчиси А.Куннинг маълумотига кўра, хонликдаги расмий солиқлар хирож, закот, танобона, савдодан олинadиган солиқ, тарози солиғи, дарёни кесиб ўтганлик учун солиқ, туз солиғи кабилар бўлган[3]. Р.Набиевнинг тадқи-

қотида юқорида келтирилган солиқ турлари қаторида ижара ерлар солиғи, хон солиғи, никоҳ пули, улов пули, байтал пули, сомон пули, чўп пули, кўмир пули каби солиқ ҳам мавжуд бўлгани таъкидланган[4]. А.Л.Троицкая илмий тадқиқотларида ҳам харбуза пули, тариқона, панджяк, ках пули, алаф пули, кема пули, хок-оби сингари солиқ турларига оид янги терминлар учрайди[5]. Бу ерда кема пули солиғи А.Кун ва Р.Набиевлар келтириб ўтган дарёни кесиб ўтганлик учун солиқнинг ўзгинаси. Панджяк эса ўтин ва қамишдан олинган солиқ ҳисобланиб, Р.Набиев тадқиқотларида ушбу атама “чўп пули” деб қайд этилган. Ках пули солиғи эса сомон ва ем-хашаклардан олинган йиғим бўлган, бу солиқни Р.Набиев сомон пули термини билан ёритган. Алаф пули эса бедадан олинган йиғим ҳисобланган. А.Л.Троицкая қўлёзма ҳужжатлардан бири иноятномага асосланиб хок-оби деб атаган солиқ тури бошқа манбаларда миробона, сув солиғи номи билан келтирилади.

Кўқон хонлигида солиқ йиғиб олиш ишлари билан маъмурий бошқарув тартибларига кўра белгиланган тартибда алоҳида амалдорлар шуғилланганлар. Хонликнинг солиқ тизимида фаолият юритадиган мансабдорлар саркор (ёки мирзабоши), амлокдор, мирзолардан иборат бўлиб, уларга маҳаллий бошқарувдаги ариқ оқсоқоли, мироб, амин ва оқсоқоллар ҳам ёрдам берар эди[5,Б.60].

Саркор амлокдорлар ва солиқ йиғувчи мирзолар фаолиятини назорат қилиш билан бир қаторда, солиқ йиғиш жараёнида ўзи ҳам фаол иштирок этган. Саркорлар, - деб ёзади А. Миддендорф, - бутун хонлик бўйича тарқалганлар. Улар ҳар бир ҳоким ҳатто катта қишлоқларнинг оқсоқоллари ҳузурида мавжуд бўлган ва ...хон хазинасига тушиши лозим бўлган солиқларнинг тўлиқ бўлишини назорат қилишган [6].

Архив ҳужжатларида олий ҳукмдор нафақат солиқ ишлари, балки бошқа масалалар юзасидан ҳам тез-тез саркорларга мурожаат қилиб турган.

Хонликнинг пойтахт вилояти саркори вазифасини бажарган Муҳаммад Содиқ саркор бир вақтнинг ўзида мироҳўр ва тўқсоба унвонларига ҳам эга бўлган. Унинг фикрича, бу унвонлар Муҳаммад Содиққа у саркорликка тайинланганига қадар берилган бўлиб, уларни саркор номига кўп ҳолларда қўшиб ишлатганлар. Бу марказий давлат бошқарувида кузатилган бир мансаб эгасининг илгари эгаллаган амаллари номи билан аталган ҳолатни эслатади[5].

Кўқон хонлигида вилоят ҳокимларига хирож ва танобона солиқларни олиш ҳуқуқи ҳам берилган [7.1,Б.75]. Худоёрхон даврида (1865-

1875) хар йили хон хазинасига вилоят хокимлари 1500000 рубльга тенг миқдорда солиқ топширганлар.

Солиқ йиғувчи амалдор оддий халқ тилида танобчи (ер ўлчовчи ҳамда ҳар бир таноб ердан солиқ олувчи), закот солиғини йиғувчи амалдорлар закотчи деб аталганлар.

Солиқлар қатъий белгиланган миқдорда ва вақтида йиғилиши шарт бўлса-да, хон ва амалдорларнинг ихтиёри билан бу нарса ўзгариб турган. Харбий ҳаракатлар пайтида, айниқса, солиқлар тури ва миқдори оширилган [7.2,Б.89].

Қўқон хонлиги Бухоро хонлиги таркибидан ажралиб чиққанлиги учун солиқ тизими ва солиқ турлари Бухоро хонлиги солиқ тизими замирида шаклланган. Лекин сўнгги йилларда Худоёрхон даврида солиқ тизимида кўплаб ўзгаришлар киритилган. Қуйида солиқ турларига тўхталиб, Қўқон хонлигига оид манбалар асосида таҳлил этилади.

Хирож - ер солиғи бўлиб, Ўрта Осиёга араблар томонидан киритилган ва шаръий қонунларда белгиланган миқдорда ундирилган. Маълумки, Қўқон хонлигида, ҳам давлат бошқаруви шариат қоидалари асосида юритилган. Шунинг учун ҳам хирож давлатнинг асосий солиқ турларидан бири бўлиб, у хонликда, бошқа Ўрта Осиё хонликларида бўлгани каби, ўз хусусиятини умуман йўқотмаган эди. Хонликда хирож донли экинлар ва пахта ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг натура шаклида ҳосилнинг 1/5 миқдорида давлат фойдасига ундирилган.

Шаръий қонунга кўра хирож йиғиб олинган ҳосилдан фақат унинг 1/5 миқдорида ундирилиши лозим. 1/10 миқдорида ундирилган солиқ эса ушр деб аталади. Хонликда лалмикор ерлардан етиштирилган ҳосилдан 1/10 миқдорида солиқ олинган бўлиб, бу шаръий қонунларда белгиланганидек ушр эмас, хирож деб аталганлигини солиқ тизимига оид ҳужжатларда кўриш мумкин.

Хонлик тарихига оид тарихий асарлар ва архив ҳужжатлари маълумотлари мамлакатдаги солиқ тизимининг катта қисмини ташкил қилган хирожни тўлаш борасида аҳолининг айрим қатламлари вакиллари учун муайян имтиёзлар яратилганидан далолат беради, яъни улар бу солиқ пулини тўлашдан озод этилган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Архивида сақланаётган Қўқон хонлиги солиқ тизимига оид ҳужжатларда саидлар, тўралар, хўжалар эшонлар, қонунчилар, маданият ходимлари, ўқитувчилар, харбий амалдорлар, солиқ йиғувчилар, хаттотлар, қишлоқ оқсоқоллари, хон ва беклар хизматчилари (ҳарам оғалар, боғбонлар, аравакашлар) хирож солиғи тўлашдан озод этилганлиги ҳақида далолат берувчи

маълумотлар бор.

Масалан, Худойберди саркорга Мулла Абдужалил Мирзабошидан ёзиб берилган эслатма паттада Тошкентлик Эшонниг жўхори бошидан олинадиган хирож солиғидан озод этилганлиги маълумотлар қайд этилган[8.1]. Мирза Мухаммад-алим саркорга Султон Муродбекдан берилган эслатма-паттада эса Марғилон вилояти Жой-Ингичкалик хон ясовуллари Саййид Али хўжа ва Шоди Назарлар жўхоридан олинадиган хирож солиғини тўлашдан озод эканликлари қайд этилган[8.2].

Хонликда ер солиғидан тушган даромад ер майдонларининг хажмига қараб белгиланган. Ижарага берилган ерлардан ҳам хон хазинасига даромад келиб турган. Масалан, Р.Набиев ижара ерлардан олинган солиқ миқдорини Ўш вилояти мисолида қуйидаги жадвал билан ёритиб ўтган.

Маҳсулот номи	Маҳсулот миқдори	Пул ҳисоби
Буғдой	10000 чориқ	129500 танга
Шоли	1000 чориқ	1000 танга
Жўхори	12000 чориқ	72000 танга
Зиғир	1000 чориқ	21000танга

Ўш вилоятида ижарага берилган ерлардан буғдой, жўхори, шоли, зиғир маҳсулотларидан бир йилда (1872 йилга оид маълумот) жаъми 223500 танга солиқ йиғиб олинган ва хон хазинасига топширилган. Вилоятларнинг чет худудларида ерлар саркорларга ижарага берилган. Масалан Мухаммад Фозил саркорга ижарага берилган Логан, Аввал, Супон, Томоша қишлоқларидан йилига 20930 чориқ маҳсулот 138500 танга даромад хон хазинасига топшириши керак бўлган. Туясар, Хўжарик, Кўкжар, Тахтак ерлари Тиллабой саркорга тегишли бўлган, у 403 тилла ҳисобида 1465 чориқ донли маҳсулот тўлаши керак эди.

Кўқон хонлигида кенг ёйилган солиқ турларидан бири танобона солиғи бўлиб уни йиғиб олиш тартиби йилдан йилга мураккаблашиб борган. Т.К.Бейсембиев Кўқон хонлигини XVIII-XIX асрлардаги тарихини ўрганиши мобайнида танобона солиғига шундай таъриф беради: “Танобона – боғ ва узумзорлардан, ер экинларидан, сабзавотлардан ҳар бир танобига нисбатан олинадиган солиқдир” [9.1,Б.43].

Таноб арабча сўз бўлиб, арқон, чилвир маъносини англатади. Ўзбекистон худудида мавжуд бўлган хонликларда, хусусан, Кўқон хонлигида ҳам, узунлик ўлчов бирлиги сифатида қўлланилган термин ҳисоб-

ланади. XVII асрда қиймати 39,9 м га тенг бўлган. Хонликда бир таноб томонлари 60 газ дан иборат бўлган майдонга тенг, яъни экин майдонини ўлчаш учун қўлланилган юза бирлиги. [10.1,Б.101.]

Танобона солиғини боғдорчилик, полиз экинлари, ем-хашаклардан 1/40дан 1/10 гача миқдорда олиш белгиланган.] Танобона солиғининг миқдори ҳақида Қўқон хонлигининг маъмурий бошқарувини ўрганган олим Ш.Махмудов қуйидаги маълумотни бериб ўтган: “1870 йилга оид архив маълумотларида кўрсатилишича, танобона ҳосилдорликка қараб бир таноб ердан 5 тангадан 10 тангагача олинган” [5.3,Б.63].

Танобона солиғи хирож сингари ер солиғи ҳисобланади, лекин хирож махсулот турида олинган бўлса, танобона пул ҳисобида ундирилган.

Дехқончилик қилувчи қишлоқ аҳолиси қонунлаштирилган ер солиғидан ташқари, ҳар бир таноб боғ ёки полизга махсус солиқ таноб пули, бедазорга алаф пули тўлаганлар. Кўпинча, бу икки солиқ умумий термин билан танобона ёки таноб пули деб аталган. Бундан ташқари пахол ва ем- хашаклардан олинадиган солиқни “ках-пули” деб аталган бўлсада, архив ҳужжатларини ўрганганимизда танобона солиғи эканлигини билиб оламиз. Масалан, “ках-пули” солиғидан давлат хазинаси учун йиғилган пулларнинг сарфланиши ҳақида Мирза Муҳаммад Алим саркорга Султон Муродбекдан похолдан йиғилган “кахпули”дан Мулла Муҳаммадали Аминга (бойдан олган қарзини тўлаш учун) пул ажратиш тўғрисида эслатма-патта ёзилган ва ҳужжатнинг орқасига Муҳаммад Султон Муродбек Ибн Шер Муҳаммад Али-хоннинг муҳри туширилган. Бу ҳужжат хижрий 1290, милодий 1873-74 йилларга оид эканлиги ҳам қайд этилган[8.3]. Бу ҳужжатдан танобона солиғини “ках пули” деб аталишини билиш билан бирга, мамлакатда йиғилган солиқларни сарфланиши ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Худди шундай мазмундаги эслатма патта Султон Муродбек томонидан Соҳиб саркорга ҳам берилган. Унинг мазмунига кўра, Абдул Азиз ганчибошига похолдан йиғилган “ках пули”дан пул ажратиш лозимлиги ва хизматлари эвазига 2 тилла ажратилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилган. Патта Султон Муродбек томонидан берилганлиги учун орқа тарафига ўзининг муҳрини қўйган [8.4].

Танобона солиғини аҳолига солишдан олдин ерлар ўлчаниб, аҳолидан қандай махсулот экиши ҳақида сўралган, экиладиган махсулот турига қараб ҳар бир махсулот учун алоҳида рўйхат тузилган, кейин шу рўйхатга асосланиб ҳосил йиғиштирилаётган вақтда келиб солиқ ундирилади. Масалан, Мулла Мирза Махмудга Бузург Хўжа муфтий-

дан ерларни ўлчаш ишлари маълумотлари билан, қовун, пиёз, сабзи, бодринг экиладиган ерлар рўйхатини тузганлиги ҳақида маълумот-ариза ёзиб берилган. Ушбу ҳужжатга кўра, Қўқон хонлигининг Қиргил, Янги-сой, Заркенд, Якка-тут, Якка-бод, Ахшак худудлари аҳолисининг ер майдонлари ва экадиган маҳсулот турлари рўйхати тузилганини билиб олиш мумкин [8.5.№.919].

Хон томонидан ваколат берилган амалдорлар худудларга чиқиб аҳолининг узумзорлари, мевали дарахтлари, ёғоч учун ишлатиладиган дарахтлари, беда билан банд ерларини, хонаки экинлар (қовун, сабзи, пиёз, бодринг, ошқовоқ), тамаки билан банд ерларини ўлчаб “таноблаган”лар ва танобона солиғи рўйхатини тузганлар. Ушбу жараёнда ер ўлчайдиган танобчилар адашиб ўлчаганлиги ёки тузилган рўйхатга нотўғри ёзиб қўйганлигига ҳам дуч келамиз. Масалан, Султон Муродбек номидан Эшон Тўражон тўрага таноб рўйхатда нотўғри ёзиб қўйилган Жўй Оқ-тепадаги аскар (исми кўрсатилмаган) ерининг хажмини тўғрилаб ёзиш кераклиги ва ерга бодрингни ўрнига қовун экканлигини ҳам ҳисобга олиб аскарни бодрингга белгиланган танобона солиғининг ярмидан озод этиш кераклиги ҳақида эслатма патта берилган [8.6.№. 943]. Кўриниб турибдики, солиқчилар томонидан нотўғри ҳисоблаб қўйилган ер майдони бошқатдан ўлчанган ва рўйхатга олинган. Ушбу архив ҳужжатидан яна шу маълум бўладики, хонликда иқтисодиётнинг асоси бўлган солиқ сиёсатида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳам ҳимоя қилинган.

Таноб ерларни ўлчовчилар ва уларни рўйхатга олувчилар таъминоти хон хазинасидан ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширилган. Жўй Работ, Жўй Гулинган, Алиман, Кува, Хўқанд қишлоқ, Чаукан, Мингтепа, Ўш, Араван, Наукат, Уч-қўрғон, ва бошқа шаҳар, қишлоқ худудларда ерлар ўлчашда қатнашган, танобонани йиғишда қатнашган ва “пулчин”йиғувчи солиқчиларга пул ажратиш ҳақида қўлёзма дафтарга биноан юзбоши, йовар,аскар каби баъзи харбий амалдорлар ва мирза, муфти, саркор каби мансабдор шахслар ҳам пул таъминотини олганлар. [8.7.№ 965.] Бузург Хўжа муфтий муҳри билан ёзилган яна бир патта-и расид ҳужжатида ҳам танобкашлар ерни ўлчаб берганлиги учун уларнинг таъминотига пул берганлиги тўғрисида хатлов мавжуддир. [8.9.№ 976.] Шу ўринда таъкидлаш жоизки, патта-и расид атамасида пул олинганлиги тўғрисида ёзилган ҳужжат ёки квитанцияни тушуниш керак. Хон саройида қонцелярия бўлими бўлган ва солиқ пулларини топширилганлиги тўғрисида масъул шахслар номига патта-и расид ёзиб борган.

Қўқон хонлиги солиқ тизимини чуқур ўрганилганда турли кишиларга солиқ сиёсатида имтиёзлар берилганига дуч келамиз. Хон марҳ-

амат кўрсатганлар ва етакчи дин пешволари ҳамда хон имтиёз берган шахслар барча солиқлардан озод қилинган. Хонликда солиқ бўйича имтиёзга эга

бўлганлар табақасига катта амалдорлар, хонга яқин кишилар, дин арбоблари, сарой хизматчилари, навкарлар киришган.

Танобона солиғидан озод бўлганларга девонда махсус дафтар жаъмлаб борилган. Дафтарда эслатма патта берилаётган солиқ йиғувчи амалдорнинг исми, танобона солиғи қайси махсулотдан озод этилаётгани, танобона солиғидан озод этилаётган шахсларнинг исми, ерларининг хажми келтириб ўтилган. Масалан, №1092. хужжатда Хол Назар эшик оғаси, харбий амалдорлар (юзбоши, панджабоши, мерган), хаттотлар (мирзо), харам оға (миршикар)лар қовундан олинадиган танобона солиғидан озод этилганлиги тўғрисида солиқ йиғувчи амалдор Тўйчибек номига эслатма патта берилганлиги қайд этилган.[8.10. №1092]

Кўқон хонлигида бошқа кенг тарқалган солиқлар қаторида танобона солиғи ҳам шариат қонун қоидаларига кўра, хон томонидан белгиланган вақт ва миқдорда олинishi керак бўлган бўлсада, шариат талабларига риоя қилиш ўрнига, ҳар йили хонликда турлича тартиблар жорий қилинган. Чунки кўшин таъминоти, сарой харажатлари, амалдорларга бериладиган маошлар ва бошқа харажатлар асосан мамлакат ҳудудларидан йиғиладиган солиқлар ҳисобидан бўлган.

Закот ислом аҳкомларининг 4 - рукни бўлиб, Ўрта Осиёга ислом дини билан кириб келган ва шаръий қонунларда алоҳида бобларда кўрсатилиб, чорва ҳайвонларидан ва барча турдаги савдо молларидан 1/40 миқдорда олинган. Шунингдек, закотдан фойдаланишнинг маълум тартиб - қоидалари бўлиб, закотдан йиғилган маблағнинг қандай сарф этилиши Куръони Каримнинг «Тавба» сураси 70 - оятида кўрсатилиб, бу маблағ фақат 7 тоифадаги кишиларга берилиши таъкидланади 365. Закотни давлат хазинасига кўшиш ёки бу маблағдан умумий аҳоли фойдаланиши учун масжидлар, йўл ва кўприклар қуриш мумкин эмаслиги ушбу муқаддас китобда кўрсатиб берилади.

Гарчи ислом қонунчилигида закотни ундириш ва ундан қандай фойдаланиш кўрсатиб берилса-да, XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Кўқон ҳукмдорлари бу борада ўз манфаатларини кўзлаб сиёсат юргизганлари маълум бўлади. Ҳ.Бобобековнинг фикрича, «..ҳар бир мусулмон ўз ихтиёри билан художўй ишлар учун берадиган закот, аввал у мажбурий солиққа айланди, кейинчалик эса мусулмон хазинасида ҳукмдорининг фойда келтирадиган даромадига айланиб қолган эди». Бу ҳолатни муаррих Мулла Олим Махдум тасдиқлаб, «Раиядан олинган солиғ пуллар ҳеч бир вақт кўча кўприкдек халқ манфаа-

ти учун сарф бўлинмас эрди», - деб ачиниб ёзади.

Савдодан олинадиган солиқ муносабатларида закот солиғи ўзига хос ўрин тутган. Хар бир савдогар закотчига қанча миқдорда махсулотни давлатга олиб киряпти ёки четга олиб кетаётгани хақида закотчига маълумот берган. Махсулотнинг умумий баҳосининг 2.5% ҳисобида закот солиғи миқдори белгиланган. Бундан ташқари хар бир пуд махсулот ҳисобидан бир тангадан закотчига патта ёзиб бериши учун пул берилган. Савдогар паттани олганидан кейин бир йил давомида хонлик худудида закот тўламасдан савдо ишларини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган. Агар йил давомида савдогарнинг даромади йил буюшида кўрсатилган суммадан ортса, яна 2.5% солиқ тўлаши белгиланган. Агар чет элдан келаётган савдо карвони бўлса, у шаҳарга кирмай туриб закотчига хабар берган ва умумий махсулотининг 2.5%ни ҳисоблатиб солиқ тўлаган. Ҳ.Боббековнинг маълумотига кўра, чет элдан келаётган ёки кетаётган савдо карвонлари икки марта-давлатидан чиқиб кетишда ва бошқа бир давлатга киришда солиқ тўлаган. Агар савдо карвони савдо қилмасдан бир давлат худудидан шунчаки кесиб ўтиб кетаётган бўлса ҳам закот тўлаши лозим эди [11.1]. Қўқон хонлигида яҳудий ва христиан савдогарларига тегишли савдо карвонларидан 5 % миқдорда закот ундирилган. Савдогарлар закотдан ташқари бир нечта солиқларни тўлашган:

1. Таг жой - бозорларда савдо қиладиган жой учун тўланган.
2. Тарози пули- тарозини ишлатиш учун ҳар бир пуд махсулотданярим тийиндан даромад йиғиб олинган.
3. Бозор солиғи-сотиш учун бозорга олиб келинган хайвонларнинг турига қараб эгасидан ундирилган.
4. Даллол пули-бозорда олди-сотди ишларида иштрок этган даллолга берилган пул
5. Тадбиркор ҳунармандлар корхоналаридан олинадиган солиқ
6. Махсулот учун олинадиган бож.

Қўқон хонлигида бундан ташқари ҳунармандлар ҳар йили баҳорда тадбиркор ҳунармандлар хонга 100 тиллодан минг тиллогача пул тақдим этиши лозим эди. Буларга қўшимча равишда Қўқон хони 1831 йилдаги қўқон Хитой шартномасига кўра, қашғарда савдогарлардан бож йиғиш ҳуқуқи орқали катта даромад олган. Сабаби, Қошғар билан савдо фақат қўқон хонлиги орқали амалга оширилган. Бунинг натижасида махсулот айирбошлаш 30-40 минг тиллога тенг бўлиб, Қошғарга ҳар йили мингдан икки минг тучгача махсулот юборилган. А.Гейнс Қўқон хонлигининг ташқи савдо алоқалари хақида “Ўрта осийёга қўқон, Бухоро, Тошкент ва қошғарга қобул орқали ҳар йили 10 мингдан 15 минг туягача махсулот юборилган. Ўрта Осиёдан Ҳин-

дистонга 20 лак (бир лак-100минг тилло) олтин олиб чиқиларди” деган маълумотларни қайд этган [12.1.Гейнсни ёзаман].

Тадқиқотчи И.Янжул томонидан Қўқон хонлиги ва Россия савдо муносабатлари қуйидагича таҳлил қилинган: “1758 йилдан 1855 йилгача товар экспорти 174000 дан 2171000 кумуш рубльга ошган, импорт эса 37000дан 676000 кумуш рубльгача ошган.” Демак кўришиб турибдики, савдо солиқлари ҳисобидан ҳам хонлик хазинасига катта даромад келиб тушган. Марказий Давлат Архиви фондида сақланаётган Қўқон хонлиги солиқ тизимига оид ҳужжатларнинг бирида «хон солиқ» деб номланган солиқ тури кўрсатилади .

«Хон солиқ» пул йиғими бўлиб, ҳар бир хонадондан йилига тўрт тангадан саккиз тангагача олинган. Бу солиқ аҳолидан ҳарбий ҳаракатлар учун ёки қўшинни моддий эҳтиёжини қоплаш учун олинган. Солиқнинг бу тури қўлэзма манбаларда «солиқ пули» деб ҳам номланади370. «Хон солиқ» номли солиқ тури бошқа адабиёт ва манбаларда умуман учрамайди. «Хон солиқ» ҳақида маълумот, берувчи вақтинча Туркистон Генерал Губернатори вазифасини бажарган Колпаковский бўлиб, у «солиқ пули» ни шундай атайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб Қўқон хонлиги давлат ҳужжатларида (ёрлиқлар) «харбуза пули» деб номланган солиқ тури ҳам учрайди. Худоёрхон (сўнгги ҳукмронлиги 1865 - 1875) томонидан берилган ёрлиқларда харбуза пули ҳам асосий давлат солиғи бўлганлигини кўриш мумкин. Ушбу ҳукмдор томонидан Муҳаммад Зокирхўжа Азизхўжа ўғлига берилган унинг давлат солиқларидан озод этилиши тўғрисидаги ёрлиқда хирож ва танобона қаторида харбуза пули ҳам кўрсатилади .

А.Жувонмардиев ўз тадқиқотида харбуза пулини «...танобонанинг бир қисми бўлиб, полиз экиладиган ерлардан олинадиган солиқдир» - деб ёзади[2.2]. Хонлик солиқ тизимига оид ҳужжатлардан ҳам харбуза пули полиз экинларидан олинганлиги маълум бўлади. Солиқ ва йиғимлардан ташқари давлат бюджетига тушадиган турли тўловлар ҳам мавжуд бўлиб, бу тўловлар никоҳона, тарикона, панджяк, кема пули, ках пули, бозор йиғимидан иборат эди.

Никоҳона никоҳланиш вақтида тўланадиган давлат божи ҳисобланган бўлса, тарикона меросни тақсимлашдан олинган .

Қўқон хонлари архиви каталогини тузган А. Троицкая панджяк солиғи ҳақида маълумот берар экан, солиқнинг бу тури ҳам Худоёрхоннинг саройдаги ҳукмронлигида жорий этилиб, ўтин, қамиш ва янтоғдан олинганлигини қайд этади. Шаҳарга олиб келинган ҳар бир арава ўтин ёки қамиш учун 1 танга ҳақ - панджяк солиғи олинганлиги ҳақидаги маълумот архив ҳужжатларида учрайди .

Панджяк солиғини А. Кун, А. Хорошхин, В. Наливкинлар ўз асарларида турли номларда аташади. Улар томонидан, ўтин пули, чўп пули, қарағай пули деб эътироф этилган солиқ тури айнан панджяк солиғига тўғри келади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Қўқон хонлиги солиқ тизими ва солиқлар тури кенг ўрганилиши лозим бўлган мавзулардан. Мамлакатимиз тарихини бирламчи ёзма манбалар асосида илмий тадқиқ этишга қаратилган “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 майдаги 2995-сонли қарори Ўзбекистоннинг давлатчилик тарихида муҳим институтлардан бири бўлган Қўқон хонлигида солиқ тизими мавзусини кенг ёритишда муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик давлатни биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. –Б.5. (Mirziyoev ShM "Together we will build a free and prosperous democratic state". – Tashkent: Uzbekistan, 2016. –P.5.)

2. Жувонмардиев А. XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув муносабатларига доир. –Тошкент, 1965. –Б.71.(A. Juvonmardiev On land and water relations in Fergana in the XVI and XIX centuries. –Tashkent, 1965. –P.71.)

3. Набиев Р.Н. Из истории Кокандского ханства. (Феодальное хозяйство Худояр - хана). – Т., 1973

4. Троицкая А.Л. Каталог архива Кокандских ханов XIX века. – М.: Наука, 1968.

5. Маҳмудов Ш. Қўқон хонлигининг маъмурий бошқаруви. дисс. –Б.60.

6. Миддендорф А. Очерки Ферганской долины. Спб, 1882.

7. Обломуродов Н., Толипов Ф. Ўзбекистонда солиқлар тарихидан. –Тошкент, 2009. –Б.75.

8. ЎзРМДА И-1043,. № 742, №761, № 918, №916, №918, №919, №965, № 976, №1008, №1067, №1069, №1087, № 1090, №1092, №1114, №1147, №1161, №1181, №1227, №1243.

9. Бейсембиев . «Тарихи Шаҳрухи» - как исторический источник. - Алма - Ата, 1987

10. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. –Тошкент, 2004. 8-жилд. –Б.101.

11. Бобобеков Х. Қўқон тарихи. – Тошкент: Фан, 1996. –Б.126, 25

12. Гейнс А. Управление Ташкентом при Кокандском владмчестве / / Собраннык литературных трудов. Т. И, Спб, 1876.